2007 йил, 4 январь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 2 (10.811) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар





**МАМЛАКАТИМИЗДА СЕВИМЛИ ШОИРАМИЗ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛГАНИДАН БУЁН ҲАР ЙИЛИ МАЗКУР МУКОФОТГА НОМЗОДЛАР САРАЛАНИБ, ҲАР ТОМОНЛАМА ЎТКИР САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ИСТЕЪДОДЛИ ҚИЗЛАР ОРАСИДАН СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНМОҚДА.**

*Ёшлар— келажагимиз*

## НОМЗОДЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

Ўтган 2006 йилда ҳам шаҳримиз туманларида ушбу мукофотга номзодларни аниқлаш мақсадида ўтказилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови ғолиблари орасидан бешта йўналиш бўйича шаҳар босқичида жами 51 нафар оқилаю доно қизлар иштирок этишди. Яқинда мазкур танловнинг ишчи гуруҳи комиссияси томонидан бешта йўналиш бўйича энг иқтидорли қизлар сараланиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари аниқланди. Булар фан йўналиши бўйича— Дилобар Тошматова, таълим йўналиши бўйича— Ҳилола Маҳмудова, адабиёт йўналиши бўйича — Дилафрўз Усмонова, санъат йўналиши бўйича — Оксана Бедрицкая ҳамда маданият йўналиши бўйича— Шаҳноза Каримовалар бўлиб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлигига муносиб топилдилар. Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида ушбу мукофот совриндорлари ҳамда номзодлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин -қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, мазкур мукофотга номзодлар сафи йилдан йилга ортиб бораётганлиги, қизлар орасида билимга чанқоқ, ҳар томонлама истеъдодли ва ўткир зеҳнли қизлар ўз иқтидорларини намоён этаётганликларини, ўтган йилларда бу мукофотга сазовор бўлган қизлар эса бугунги кунда жамиятимиз тараққиётида ўз соҳалари бўйича самарали иш олиб бораётганликларини фахр билан таъкидлади. Шундан сўнг мукофотга номзод қизларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Йиғилишда шунингдек, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва номзодлар ҳамда уларнинг устозлари сўзга чиқиб, ҳукуматимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар ва ғамхўрликдан бениҳоя мамнун эканликларини изҳор этдилар.

— Мен шундай шарафли мукофотга номзод бўлганимдан жуда бахтиёрман,—дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистратурасининг 1- босқич талабаси Ҳилола Маҳмудова.— Бундай нуфузли мукофотга эришиш учун жуда катта билим ва салоҳиятга эга бўлиш керак, деб ўйлайман. Мақсадим келгусида менга билдирилган ишончни оқлаш ва бир лойиҳа устида олиб бораётган илмий ишимни муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистонимизнинг туризм соҳасини жаҳонга кенг ёйишдан иборат. Ўз билим ва иқтидорим билан мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва тараққий этишида муносиб ҳисса қўшсам дейман.

— Мен ҳам севимли шоирамиз номидаги Давлат мукофотига номзодлар орасидан ўрин олганимни эшитиб, жуда-жуда қувондим, — дейди Дилафрўз Усмонова. — Аввало мени шундай мукофотга тавсия этган устозларимдан миннатдорман. Мени қўллаб-қувватлаб турганлари учун бувижоним ва онажонимга ҳам минг раҳмат. Шунингдек, биз ёшларга беҳад катта имкониятлар яратиб, эътибор бераётган Юртбошимизга ҳам ташаккур. Бу юксак ишончни оқлаш учун билимим, истеъдодимни яна ҳам ошириб, ижод қилиб, таниқли шоирамиз Зулфияхонимнинг ҳақиқий издоши бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, мукофотга номзод қизларнинг чексиз ҳаяжон ва қувонч билан билдирган дил изҳорларини тинглаб, уларнинг ўз мақсадлари йўлида қатъий бориб шарафли мукофотга совриндор бўлишга муносиб эканликларини чин дилдан ният қилдик.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти номзодлари.**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ИШИДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

**ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ ЕТАКЧИЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ СИЁСИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АРБОБЛАРИДА, ЭКСПЕРТЛАР ҲАМДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА.**

**Япония парламенти депутати Коки Чума**нинг фикр билдиришича, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қонунчилик ташаббуси билан парламентга киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг аниқ-равшан тасдиғи бўлди.

— Табиийки, ҳар бир жамиятда ижтимоий-сиёсий воқеаларга турлича қарашлар мавжуд бўлади, — дейди К.Чума. — Жамиятда юзага келадиган муаммоларнинг аҳоли турли қатламлари нуқтаи назаридан замон талабларига мос тарзда муҳокама қилинишининг таъминланишида сиёсий партиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу маънода мамлакат Конституциясида сиёсий партиялар тараққиётининг аниқ шартлари қонунчилик билан мустаҳкамланаётгани жуда муҳимдир.

**Туркия парламенти депутати Т.Каракая** қуйидаги фикрларини ўртоқлашди:

— Янги қонун лойиҳалари Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада оширишга имкон беради ва унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлайди. Мен сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган Конституциявий қонун лойиҳасининг парламентга киритилганини Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсий ислоҳотлар сезиларли даражада жадаллашувининг далили бўлди, деб ҳисоблайман.

Барча мамлакатларда сайлов тизимини ривожлантириш жараёни давомида сиёсий партиялар ролининг кенгайиши ва кучайиши демократлаштириш жараёнининг асосий бўғини бўлган. Бу ўз навбатида сиёсий тизимнинг халқчиллиги мезонларига мос келади ва жамият талабларига жавоб беради. Ишонаманки, бу меъёрий ҳужжатнинг қабул қилиниши Ўзбекистон раҳбариятининг миллий тагзамин ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда олиб бораётган оқилона сиёсатининг маҳсули бўлади.

Мисрда нашр этиладиган **«Абдулхаул ад-Давлия» газетасида** «Ҳаёт ҳақиқати» сарлавҳаси остида босилиб чиққан мақолада Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўтган 15 йили давомида қўлга киритган ютуқлари тафсилотлари акс этган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббусига алоҳида урғу берилади.

«Ўзбекистон раҳбарининг бу таклифи унинг мамлакатда инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлаш ва толерант жамиятни мустаҳкамлашга бирламчи даражада аҳамият бераётган кучли сиёсатчи ҳамда ҳақиқий етакчи эканидан далолат беради, деб ёзади нашр. Бу ўз навбатида давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилашда, шунингдек, мамлакатни модернизация қилишда Ўзбекистон катта ютуқларга эришаётгани ҳамда Мисрдан ўзиб кетаётганини кўрсатади».

**Инглиз тилида чоп этилувчи «Tehran Times» газетаси (Эрон)** ўз саҳифаларида мамлакатимиз мавзусига бағишлаб **«Ўзбекистон демократиясининг тадрижий йўли»** сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда мақола муаллифлари газетхонлар эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг ҳамда мамлакат давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини ривожлантиришнинг тадрижий давоми бўлганига, бу ташаббус мамлакатни кучли фуқаролик жамияти сари олиб боришига қаратган.

«Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар шуни аниқ кўрсатмоқдаки, Президент Ислом Каримов илгари сурган ташаббус мамлакатнинг бугунги дунёмиздаги айрим давлатларда кузатилаётган майдон-инқилоб курашлари йўлидан эмас, балки замонамиз талабларига мос ислоҳотлар йўлидан бораётганини намойиш этди», — деб ёзади нашр.

**«Жаҳон» АА**

## Қисқа сатрларда

●**МИРОБОД** саноат касб-ҳунар коллежида ўқитувчилар, ўқувчилар иштирокида 14 январь—Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ҳақида сўз борди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда шаҳримиз маҳаллаларининг энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари тақдирланди.

●**РЕСПУБЛИКА** болалар ижодиёти уйида фуқаролик жамиятини қуришда ёшларнинг ўрни масаласига бағишлаб уюштирилган семинар-тренингда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Камолот» ЁИҲ вакиллари ҳамда фаол ёшлар иштирок этишди.

●«**ЁШЛИК**» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида талабалар иштирокида «Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида Конституциянинг ўрни» мавзуида ўтказилган тадбир Тошкент Давлат юридик институти, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар ва Собир Раҳимов туман бўлимлари Кенгашлари ҳамкорликларида уюштирилди.

●**ШАҲРИМИЗ**нинг ёш театр ихлосмандларига Республика Ёш томошабинлар театри ижодкорлари томонидан тайёрланган «Борса келмас» спектакли намойиш этилди.

●**ЮНУСОБОД** туманидаги 247-мактабда ўқитувчилар, ота-оналар ва биринчи синф ўқувчилари иштирокида «Алифбе байрами» тадбири ўтказилди.

●**ШАҲРИМИЗДА** Шарқ якка-курашлари ва жанг санъати фестивали спорт мутасаддилари, мутахассислар, мухлислар иштирокида ўтказилди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*14 январь – Ватан ҳимоячилари куни*

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ КЛИНИК ГОСПИТАЛИДА «МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ» МАВЗУИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.**

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳарбийлар, санъаткорлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан халқимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш имконини берадиган, замон талабларига мос, тезкор ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, ташкилий жиҳатдан мукаммал миллий армияни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир Қуролли Кучларимизни яратиш борасидаги кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Қуролли Кучларни барпо этишнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан жорий этилаётгани, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилгани, сержантлар мактабининг фаолияти йўлга қўйилгани, амалда ўзини оқлаган сафарбарлик-чақирув резерви хизматининг ташкил этилгани бунинг яна бир ёрқин далилидир. Буларнинг барчаси Қуролли Кучларимизнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги роли, ўрни ва моҳияти янада мустаҳкамланиб боришида муҳим омил бўлмоқда.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, фидойилик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, улар маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва Ватан ҳимоячилари этиб тайёрлашда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаолларининг ўрни ва масъулияти катта экани тадбир давомида алоҳида қайд этилди.

Мазкур госпиталда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар соғлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун барча шароит яратилган. Бунда малакали шифокорлар ва ҳамшираларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Маънавий-маърифий тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ижтимоий ҳимоя йили қутлуғ тўйига ҳозирлик кўраётган марғилонликлар учун хайрли бошланди. Янги йилнинг илк кунларида шаҳардаги 1-оилавий поликлиника тўла қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган муассасага даволаш ва ташхис қўйишда ишлатиладиган энг замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.**

**●Ўзбекнефтгаз» МХК, Хитойнинг «CNPC International Ltd», Россиянинг «Лукойл Оверсиз Арал Лтд» ва Малайзиянинг «Petronas Carigali Overseas SDN.BHD» компаниялари сармояларидан иборат Консорциум қатнашчилари Ўзбекистоннинг Орол денгизи қисмида маҳсулотни тақсимлаш бўйича Битимни амалга ошириш мақсадида биргаликда фаолият ва ягона оператор тўғрисидаги икки Битимни имзоладилар.**

**●Тошкентдаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида ўтказилган тадбирда «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди», «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ва «Хотин-қизлар кенгаши» жамоатчилик бирлашмалари кўплаб ижтимоий лойиҳалар муаллифларини тақдирлаш билан бир қаторда ўзларининг янги ташаббус ва режаларини ҳам эълон қилишди.**

**●Қарши шаҳар офицерлар уйида ҳарбийлар ўртасида «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда ҳарбий қисмларнинг офицерлари, кичик командирлар, шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар оила аъзолари билан иштирок этди.**

**●«Тошкент почтампти»да Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 15 йиллигига бағишлаб муомалага чиқарилган почта маркаси ва махсус хотира тамғасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**● Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Навоий вилоят Кенгаши ташаббуси билан Навоий автомобиль мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ватан ҳимоячилари куни олдидан ўтказилаётган анъанавий «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида сўз борди.**

**●Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида қорақалпоқ халқ қаҳрамони Ерназар Олакўз таваллудига 200 йил тўлиши муносабати билан «Ерназар Олакўзнинг Қорақалпоғистон тарихидаги роли» мавзуида илмий конференция ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**●Брюсселда Европа Иттифоқи тинчликпарвар кучларини Сомалига юбориш масаласи кўриб чиқилди. Айтиш кераки, ҳозирда юқоридаги мамлакатдаги барча катта шаҳарлар жангарилардан озод этилди. Муваққат ҳукумат амнистия ҳисобига барча жангариларга қуролларини топшириш тўғрисида мурожаат қилди. Шунингдек, аҳоли учун ҳам қуролсизланишга уч кун муддат берилди. БМТ Эфиопияга Сомалидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши лозимлигини таъкидлади.**

**●Қирғизистон парламенти мамлакатнинг янги таҳрирдаги Конституциясини қабул қилди. Унда Президентнинг ваколатлари кенгайтирилган бўлиб, эндиликда Президент вилоятларнинг раҳбарларини ўзи мустақил тайинлаши, барча қуролли кучларни назоратга олиши мумкин.**

**●ХАМАС Исроил ҳукуматининг 450 нафар фаластинлик асирни исроиллик юқори лавозимли ҳарбий Гилад Шалит билан алмаштириш эвазига озод қилиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди.**

**●Грузия энергетика вазири Ника Гилаурининг билдиришича, ушбу мамлакат 2008 йилдан бошлаб Туркиядан йилига 800 миллион кубометр газ сотиб олишни бошлайди. Бу мамлакат эҳтиёжининг ярмини ташкил этади.**

**●Испания ҳукумати ЭТА айирмачилар ташкилоти билан музокаралар тўхтатилишини маълум қилди. Мамлакат ички ишлар вазирлиги вакилининг билдиришича, Мадриднинг Барахас аэропортидаги машиналар тўхташ жойида амалга оширилган террорчилик ҳуружидан сўнг ҳукумат шундай қарорга келган.**

**●Американинг Калифорния штатида АҚШ миллий гвардиясига қарашли вертолёт қулаб тушди. Вертолёт бортида 9 киши бўлган ва улар турли даражада жароҳатланишган бўлсада, барчаси омон қолган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 5 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.





*Қиш ўзининг ҳақиқий зийнатини оппоқ қорлари билан намоён этмоқда.*

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Инсон ўйлаб, тўғри фикр қилади,**
**Бошига дард келса, шукр қилади.**
**Фарёд солсанг агар дардга не фойда,**
**Беҳуда жон бермоқ мардга не фойда.**
**Дард берса Аллоҳнинг ўзи беради,**
**Бу дарддан паноҳни ўзи беради.**

Ҳозиқ шифокор дардингни ***«диққат»*** билан ***«тадқиқ»*** этади, ўзининг ширин сўзи ва хуш муомаласи билан ҳар ***«дамда»*** ўз ёрдами ва ***«мадад»***ини дариғ тутмайди. Шеър:

**Ҳакимдан сирингни яширма зинҳор,**
**Доринг заҳарга айланмоғи бор.**
**Ҳакимдан ҳар киши сирни яширар,**
**Ўзининг дардини ўзи оширар.**

***

**Шифокорнинг аввал кўзи шифоли,**
**Қолаверса очиқ юзи шифоли.**
**Шифо учун дори-дармонидан ҳам,**
***Икки оғиз ширин сўзи шифоли..***

### ВАТАН ҲАҚИДА

***Эй ўғлим!*** Одамнинг тани ва жони ватансиз камол топмайди. Қара, ***«жон ва тан»*** сўзларининг ўзи ***«жон ватан»*** деб турибди. Шеър:

***Эй фарзанд, жону тан бу ватанингдир,***
**Ватанни англасанг жону танингдир.**
**Асрамоқ бўлсанг сен жон ила танни,**
**Аввало асрамоқ керак ватанни.**
**Ватан омон бўлса жонинг ҳам омон,**
**Ватан ёмон бўлса ҳолинг ҳам ёмон.**

***

**Ватаним, чеҳрангга кўзим маҳлиё,**
**Сўзлайман туну кун сўзим маҳлиё.**
**Тўймайман, боқаман муҳаббат билан,**
***Кўзиммас, сўзиммас, ўзим маҳлиё.***

***«Ҳубб ул-ватан мин ал-иймон»***, яъни ватанни севиш иймондандир, дедилар Расулуллоҳ. Демак, ватан бу ***«имон»*** degани бўлиб, унинг ***«номи»***ни азиз ва мукаррам тут. Агар ватанингга душманлар ва иғвогарлар ҳужум қилсалар, уларга қарши жонинг билан ***«жанг»*** қилгинки, бу ***«жанг»***инг ватанга ***«ганж»*** олиб келади. Агар сенда ***«юзлаб»*** жон бўлса ҳам, уни халқ ва ватан йўлида аямасанг, сени олқишлаб, ***«юз лаб»*** табассумда бўлади. Шеър:

***Мард ўғлон ватанни ҳимоя қилур,***
**Улуғлар сўзига риоя қилур.**
**Ватанни севади иймонли киши,**
**Юртини ўйламоқ туну кун иши.**
**Душман ҳужум қилса жонин аямас,**
**Эл учун ош ила нонин аямас.**
**Хиёнат келмайди асло қўлидан,**
**Шер каби қайтмайди босган йўлидан.**
**Элни деб, юртни деб чекар доим ранж,**
***Меҳнат билан элга келтиради ганж.***

***

**Ватаним тинчдир-у хонумон обод,**
**Бахтиёр халқимдир кеча-кундуз шод.**
**Кимки ватанимга кўзни олайтса,**
**Ёвуз ниятлари бўлади барбод.**

Сен ватан учун қанчалик заҳмат ***«чекма»*** буни ўзингга фахр деб бил ва янада заҳмат чекишдан ***«кечма»***. Шеър:

**Ватан меҳри менинг қонимга ҳамдам,**
**Элим меҳри менинг жонимга ҳамдам.**
**Ватан бирла элим бор экан омон,**
**Азиз умрим шавкат-шонимга ҳамдам.**

Сен ватан йўлида қанчалик *«ур-сур»*ларга дучор бўлмагин, уни жонинг борича ҳимоя қилсанг, бу сенга улуғ шодлигу *«сурур»* келтиради. Шеър:

**Ўғлим, бўлай десанг доим омонда,**
**Ватан омон бўлса сен ҳам омонда.**
**Эй ўғил, ватанга жонни фидо қил,**
**Фарзандлик бурчини, келгил, адо қил.**

***

**Қаламим доимо қўлларимда шай,**
**Бахт ила иқболим элимда мўмай.**
**Ватаним шаънига қанча шеър айтсам,**
***Яна келаверар шеърим тўхтамай.***

### ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИДА

***Эй ўғил!*** Фарзанд деган сўз ота-она учун нақадар азиз ва бу улар учун буюк сўздир. ***«Буюк»*** деган сўз эса **«бу юк»** деганидир. Ота ва она ***«бу юк»***ни кўтариб, машаққатлар чекиш орқалигина фарзандни ***«буюк»*** қилади. Фарзанд ***«буюк»*** бўлганда эса ота-она қариб, энди улар фарзандга ***«юк»*** бўлади ва бу юкни муносиб кўтара олған фарзандгина эл ва Худо ҳузурида ***«буюк»*** бўла олади.

**Ичи бўшлар қалдирашда карнайдир,**
**Доно эса оғирликда ўрнакдир.**
**Яхши фарзанд иши азиз ота-ю,**
***Онасига доим бўйинсунмакдир.***

***«Олим»***нинг топган ***«моли»*** унинг ***«омил»***лиги бўлиб, олим билан сўзлашган саринг ***«олим»*** сўзининг қирралари очилаверади. Фарзанд сўзи ҳам шундай серқирраки, у бе***«ҳисоб»*** маъноларнинг ***«соҳиб»***идир. Фарзанд сўзининг биринчи бўғинига боқ, у ***«фар»***дир. Агар сен Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини ўқиган бўлсанг, Навоий Фарҳоддаги ***«фар»***ни ***«нур»*** ва ***«улуғлик»*** деб таъриф қилган. Демак ҳақиқий фарзанд ота ва она учун ҳам нур, ҳам улуғликдир. Шеър:

**Ҳар фарзанд хушчирой, хуш одатликдир,**
**Ҳаёти ҳамиша саодатликдир.**
**Ота-ю онаси хурраму шодон,**
***Хонадони эса ҳаловатликдир.***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

Ўз МУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейини 2004/2005 ўқув йилида битирган Шадиева Умида Закиржановна номига берилган L № 002071 рақамли имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти жамоаси «Арзанда» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Республикада хизмат кўрсатган савдо ходими, умумий овқатланиш соҳасида кўп йиллар раҳбар лавозимида ишлаган

**Анна Леоновна ЮРЬЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## *Спорт янгиликлари*

### СОҲА ХОДИМЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ «УЧҚУН» СПОРТ МАЖМУАСИДА СОҲА ХОДИМЛАРИ БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИБ, КАТТА ТЕННИС БИЛАН ШУҒУЛЛАНГАН ҲОЛДА САЛОМАТЛИКЛАРИНИ ТИКЛАШАДИ.**

Бу ерда тез-тез теннис бўйича мусобақаларни уюштириб туриш ҳам хайрли одат тусига кирган. Жумладан, куни кеча «Ўзбекэнерго» ДАК, кимё, геология, энергетика саноатида фаолият кўрсатаётган кўплаб ходимлар, фахрийлар иштирокида Энергетиклар кунига бағишлаб теннис бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Соҳа ходимлари ўртасида ўтказилган ҳал қилувчи беллашувлардан сўнг якка тартибдаги мусобақаларда Ирина Рацбаум ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини банд этган бўлса, Оксана Нестеренко ва Елена Журавлевалар кейинги совринли ўринларни эгаллашди.

Жуфтликлар ўртасида Василий Кренкел ва Одил Юсуповлар финалда Атҳам Илҳомов ҳамда Дилшод Ҳайитбоевларни доғда қолдирган ҳолда ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Анатолий Гончаров ва Азиз Мусаевларга фахрли учинчи ўрин насиб этди.

Турнирнинг барча ғолиб ва совриндорларига бош ташкилотчи — «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан медаллар, қимматбаҳо совғалар топширилди. 74 ёшли қатнашчи Пьер Хапберкли ҳамда Ирина Макаровалар эса «Ғалабага бўлган иродаси учун» соврини билан тақдирланди.

### САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИДА МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА СПОРТ МУТАСАДДИЛАРИ, ЖУРНАЛИСТЛАР, МУТАХАССИСЛАР, МУРАББИЙЛАР, ФЕДЕРАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОКИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ УЮШТИРИЛДИ.**

Унда энг асосий эътибор 2006 йилнинг нуфузли мусобақаси —XV Осиё ўйинлари якунларига қаратилди. Эътиборлиси, XV Осиё ўйинларида совринли ўринларни қўлга киритган спортчиларни тақдирлаш ҳақида ҳукумат қарори чиққанлиги спорт мутасаддилари томонидан маълум қилинди. Шунингдек, йиғилишда қатнашганлар Осиё ўйинларида айрим спорт турлари бўйича совринли ўринлар қўлга киритилмаганлиги, бу борада камчиликларга йўл қўйилганлигини таҳлил этишиб 2008 йилда Хитой пойтахти Пекин шаҳрида уюштириладиган ёзги Олимпиада мусобақаларига муносиб тайёргарлик кўриш, мураббийлар малакасини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

### ЯНГИ ЙИЛГА МУНОСИБ ТУҲФА

**ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУАСИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЗАФАР ҚУЧДИ.**

МДҲ давлатлари терма жамоалари полвонлари иштирок этган ушбу нуфузли халқаро турнирда ўз вазнлари тоифасида ҳамюртларимиздан Дилмурод Шокиржонов ва Муҳайё Сатторовaларга тенг келадиган рақиб топилмади ва улар турнирнинг олтин медалларини қўлга киритишди.

Шуниси эътиборлики, умумжамоа ҳисобида ҳам биринчи ўрин Ўзбекистон терма жамоасига насиб этди. Шунингдек, шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини Тожикистон, Қирғизистон терма жамоалари эгаллашди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## *Хандалар*

### СУПЕРТАРБИЯ

Етмиш йиллик юбилейида учиб қолган Болтабой ака икки нафар ўғлини ёнига ўтказиб, насиҳат қилди:

— Сизнинг буваларингиз 90 ёшга кирганда ҳам агар текини учраб қолса ичкиликни атказ қилмаган. Хўш, менчи? Ўзларингга яхши маълум, кўча-кўйда ичганимда ҳам бирон марта уйимни тополмай қолган пайт бўлмаган. Шунинг учун маҳалла-кўйда ҳурматим бор, сенлар-чи? Оғзиларингга тегдими тамом — бўккунингча ичасанлар, улфатларинг суяб олиб келиб қўймаса уйингни тополмайсанлар. Шунинг учун ота насиҳатим: зинҳор- базинҳор кўчада ичманглар, ўз уйинг — ўлан тўшагинг, топганларингни шу ерга обкелларинг. Қўйнидан тўкилгани қўнжига деганларидек, шояд мен ҳам ўз насибамни олиб турсам, қандай фарзандлар-ки, якка-ю ёлғиз оталарингга юз граммни раво кўрмасаларинг!..

### «МОҲИР» РАҚҚОС

Янги йил базмида «мен сенга айтсам» кўйига тушиб қолган Аширмат радионинг қулоғини буради: ҳарбий марш садоси янграрди. У бамисоли туяқуш каби сакраб-сакраб ўйинга туша кетди. Ўтирганлардан бири энсаси қотиб луқма ташлади:

— Биродар, дам олсангиз бўларди, ахир бу рақс мусиқаси эмас-ку!?

Бу гапдан пешонаси тиришган мезбон гап қотди:

— Шу ҳам гап бўлди-ю, буниси ҳолва, мен уни «Янгиликлар» кўрсатувига ҳам ўйнаганини бир неча марта кўрганман.

### ОШ БЎЛСИН

Илҳомжон Янги йил зиёфатига кечагина кўчиб келган қўшнисини таклиф этиб, кўнгли учун баъзи маслаҳатлар сўради. Ўз навбатида қўшни ҳам жиддий қиёфада тарози палласини ўйнатиб юборадиган фикрларни ўртага ташлади:

— Демак, дастурхонга беш хил иссиқ овқат тортмоқчисиз. Менимча, улардан олдин хушхўргина мастава, қуруқ норин ва бир тақсимчадан курка гўштидан кабоб тортилиши керак. Чунки булар — иштаҳани қитиқлаб, кейинги овқатларга йўл очувчи таомлар ҳисобланади.

**Абдунаби МАННОПОВ тайёрлади.**



— Бу Эски шаҳарми ўғлим, танимай қолибман?

**Абдурасул Ҳакимов чизган расм**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


КАБЕЛЬ - СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ-ЧИҚАРУВЧИ

**“O‘ZKABEL” OAJ QK**



*Сизни чин қалбдан Янги 2007 йил билан табриклайди! Мустаҳкам соғлиқ, омад Сизга ҳамиша ёр бўлсин. Янада гуллаб яшнашингиз тилакдошимиз!*

*Янги йил эшик қоқди.*
*Уйингиз бахтга тўлсин.*
*Орзу-умидлар бу йил.*
*Сўзсиз рўёбга чиқсин!*

Тошкент ш., Ф. Хўжаева кўч., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33
www.uzkabel.uz


## *Мунажжим башорати*

### ЯНГИ ИШЛАРНИ БОШЛАНГ

**5 ЯНВАРЬ, ЖУМА**

**Мунажжимларимиз таъбирича, Қуёшнинг Тоғэчкиси буржидаги бугунги жойлашиши одамларда катта сабр-тоқат ва дипломатик қобилиятларни намоён этади. Улар чалкашиб кетган вазиятлардан осонгина чиқиш йўлларини топишади. Лекин, шу билан бирга,ортиқча айёрлик ва ҳатто маккорлик ҳолатлари ҳам кўзга ташланиши мумкин.**

Қуёш тақвимининг 21-куни жамоавий тадбирларда фаол қатнашишга ва кўпчилик диққат-эътиборини мураккаб масалаларни ҳал этишга йўллашга чорлайди. Шахсий ҳаётда эса, бугунги кун эр-хотинларнинг бир-бирлари олдидаги бурчларини адо этиш учун ғоят қулай кун ҳисобланади.

Ой сайёрасининг бугунги таъсирини ҳисобга олиб, кўпроқ кунни холи ўтказиш, уй-рўзғор ишларига эътиборни кучайтириш тавсия этилади. Бугунги кун, шунингдек, саёҳатларга чиқиш, босиқвазмин мусиқа куйларини тинглаш ҳамда сув билан боғлиқ муолажаларни қабул қилиш учун ҳам қулай келади.

**БУГУН:**

— янги ишларни бошлаб юбориш;
— ўзингиз учун муҳим бўлган фақат бир муаммога бутун диққатингизни жамлаш;
— нуфузингиз ҳақида қайғуришингиз;
— ташкилотчилик қобилиятингиз ва раҳбар талантини намоён этиш;
— ижобий маънодаги худбинлик – яъни меъёрдан чиқиб кетмаган ҳолда ўз манфаатингизни унутмаслик тавсия этилади.

Кийим-кечаклардан тўқ кўк ва қизғиш- жигарранг либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Қизил кўзли зеб-зийнатларни тақиш мумкин.

## *ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!*

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 5 февраль куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА.**

1. Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 15 сентябрдаги 18260/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Сергели тумани, Спутник-7/9 даҳаси манзилдаги Жиноий ишлар бўйича суди ҳудудида сақланаётган дав.рақ.М93-21ТШ бўлган «ЗАЗ-968М» русумли автотранспорт воситаси (1989й.). **Бошланғич баҳоси-100 000 сўм.**

2. Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 10 октябрдаги 19318-19/4-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент вилояти Зангиота тумани 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган дав.рақ.30К27-52 бўлган, «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси (1987й). **Бошланғич баҳоси-1 942 091 сўм.**

3. Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2003 йил 29 январдаги 2-1033-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Буюк Ипак йўли кўчасидаги 2222,0 кв.м. ташкил топган 162А-уй. **Бошланғич баҳоси-34 360 001 сўм.**

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 23 январь куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида бўлиб ўтадиган

**ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУЛК ҚАЙТАДАН ҚЎЙИЛМОҚДА.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган «Koinot va Maks» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси 98 Б-уй манзилидаги, 300 кв.м. бўлган «КОИНОТ» ресторани биноси. **Бошланғич баҳоси-58 000 000 сўм.**

**Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.**

**ШУНИНГДЕК,**

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2006 йил 26 декабрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоларида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган «Toshqishloqmash» ОАЖга тегишли Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 60-уй манзилдаги **8-цех бино ва иншоотлари 88 376 500 сўмга,** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ҳамза кўчаси, 2-уй манзилдаги **«Кулинария» дўкони биноси 25 711 351 сўмга, шийпон 425 000 сўмга** ва **1 қаватли цехнинг 31-механик участкаси биноси 54 000 000 сўмга** сотилганлигини маълум қилади. 2006 йил 16 июндаги 10473-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 йилнинг 9 январда очиқ аукцион савдолари бўлиб ўтиши белгиланган, бошланғич баҳоси 4 000 000 сўм бўлган, давлат рақами Х430NNM, «АУДИ-100» русумли автотранспорт воситаси, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси хатига асосан савдолардан олинди.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94, 138-69-93.


2006 йил 28 декабрдан бошлаб ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида

*«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси*

***Тошкент Давлат цирки***

**ХЎЖА НАСРИДДИННИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ**

***ТОМОШАСИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ***

**ШОШИЛИНГ! ШОШИЛИНГ! ВА БАРЧАГА СЎЗЛАБ БЕРИНГ!**

**Томошалар:** 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Касса соат 9.00 дан ишлайди.

**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.**


ОАЖ «Интер-транс-сервис» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси жамоаси Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси Дилмурод Абдуқодирович Тўлагановга отаси

**Ғофуржон ота ТЎЛАГАНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6